



Хиндистон билан савдо алокаларини кенгайтириш ҳамда Хива билан тотув муносабатлар ўрнатиш мақсадида император Пётр биринчи Ёркент ва Хивага отрядлар юборди.

1715 йилда Бухголтснинг тўрт ярим минглик отряди Балхаш кўлигача етиб келди ва у ерда калъа бунёд этди, бироқ чекинишга мажбур килинди.

1717 йили княз Бекович-Черкасский отряди 3727 пиёда, 617 отлик драгун, 2000 казак, 230 денгизчи аскар ва 22 та тўп-замбарак билан Хивага йўл олди.

9 июнда отряд Гурев шахридан чикиб, кумли дашт ва сахролар оша 2 ой йўл босгач, Хивага кириб келди.

Хивалиklar аввал тўла тобелиklarини билдирдилар ва жойлаштиришга кулай бўлсин учун княз Бековични ўз отрядини кичик қисмларга бўлишга кўндирдилар, шундан кейин Бековичнинг эҳтиётсизлигидан фойдаланиб, русларга кўкқисдан хиёнаткорона хужум килиб, ўларни батамом кириб ташладилар.

ДАСТЛАБКИ УРИНИШДАГИ ОМАДСИЗЛИК РУСЛАРНИ ТЎХТАТИБ КОЛОЛМАДИ, КЕЙИНГИ ХУЖУМЛАР УЛУГ ПЕТР И БЕЛГИЛАБ БЕРГАНИДЙЕК ИККИ ТОМОНЛАМА: ГАРБДАН — ЁЙИК (УРОЛ) ДАРЁСИ ОРКАЛИ, ШАРҚДАН — ГАРБИЙ СИБИР ОРКАЛИ ОЛИБ БОРИЛДИ.

1735 йил

Оренбург шахри қурилиб, тупрок калъа билан ўраб олинди.

1754 йил

Чўл мулкларимизга қирғиз (қозоқ) ва бошқирдларнинг хужумларига барҳам бериш учун Оренбург шахридан Илеск томон тарқибида 1 та баталон ва 1 та батарея бўлган отряд юборилди. У ерда ҳам калъа ва кўргон қурилди.

1778 йил

Пугачёв қўзғолони ҳамда қирғизлар ва қалмоқларнинг босқинлари сабабли Оренбург гарнизони кенгайтирилди. Босқинларга чек қўйиш учун Орек калъаси бунёд этилди.

ИМПЕРАТОР НИКОЛАЙ II ПОДШОЛИГИ ДАВРИ

1833 йил

Шимоли-шаркий Каспийбўйи чегараларимизни хиваликлар боскинидан химоя килиш мақсадида Ново-Александровск бунёд этилди.

ОТРЯДЛАР ХАРАКАТИ

1839 йил

Сибир томондан. Киргизлар галаёнини бостириш ҳамда Султон Кенисар-Косимов тўдаларини кириб ташлаш учун Жениер-Огочга полковник Горский бошчилигида Сибир сафарбар қўшинларининг икки тўп-замбарак билан ярим полкдан иборат казак отряди жўнатилди.

Сибир томондан ҳаракат қилувчи асосий ҳарбий кучлар: 8-Ғарбий Сибир (ҳозирги 17-Туркистон) ўкчи баталони, 1860 йилдан эса 3, 5, 7 ва 12-Сибир баталонлари ўкчи роталаридан иборат қўшма ўкчи баталонлар (ҳозирги 1-Туркистон ўкчи баталони). Артиллерия: Сибир казак қўшинининг 21-батареяси (ҳозирги 1-Туркистон артиллерия бригадасининг 2-батареяси) ва пиёда батарея (ҳозирги 2-Туркистон артиллерия бригадасининг 1-батареяси).

Оренбург томондан. Боскинларга чек қўйиш ва рус асирларини озод қилиш мақсадида Хивага граф Перовский отряди (15 рота, 3 та казаклар полки, 16 та замбарак) юборилди. Киш шароитидаги фавкулудда оғир юришдан сўнг отряд Хивага етолмай, 1840 йилда Оренбургга қайтиб келди.

Оренбург йўналишида ҳаракат қилган асосий ҳарбий кучлар: 4-Оренбург сафарбар баталони (ҳозирги 10-Туркистон ўкчи баталони), 1864 йилдан эса 2-Оренбург сафарбар баталонининг 1-взводи (ҳозирги 9-Туркистон ўкчи баталони).

1865 йилда Туркистон вилояти ташкил этилиши муносабати билан 6 ва 9-Оренбург сафарбар баталонлари). 4-Ғарбий Оренбург сапёрлар ротаси (ҳозирги Туркистон сапёрлар баталони), Оренбургдан 147-Самара пиёдалар полкининг баталони юборилди (1868 йилда бу баталон қайтарилди).

1843 йили ҳарбий ҳаракатлар бўлмади.

Чўлдаги доимий галаёнлар сабабли Орск калъасидан икки отряд: қўшин старшинаси Лобов отряди (1-тўп-замбарак ва 2 та юзлик) ва полковник Бозанов отряди (1 та рота, 1 та юзлик, 1 та тўп-замбарак) юборилди. Исёнчи Султон Кенисар қўлга олинди ва қатл қилинди.

1844 йили ҳарбий ҳаракатлар бўлмади.

1845 йили ҳарбий ҳаракатлар бўлмади.

Тўрғай дарёси киргогида Оренбург истехкоми бунёд этилди. Иргиз дарёси бўйида Урол

истехкоми барпо килинди. Ново-Александровск истехкоми Мангишлок ярим оролига кўчирилди ва унга Ново-Петровск номи берилди (1857 йилда шаҳар Александровск деб ўзгартирилди).

1846 йили харбий ҳаракатлар бўлмади.

Астроном Леман ва капитан Шултс илмий экспедицияси Орол денгизи ҳамда Сирдарё хавзасига етиб келди.

1847 йили харбий ҳаракатлар бўлмади,

Генерал Обручев отряди (4 та рота, 3 та юзлик, 4 та тўп-замбарак) томонидан Орол денгизининг шимоли-шарқий қиргоғи босиб олинди ва Раим (ҳозирги Қазалинск) истехкоми қурилди. Мавкени мустаҳкамлаш мақсадида ҳўл 54 та қисмга бўлинди.

Низоли масалаларни ҳал қилиш учун қирғизлар қурултойи ташқил қилинди. Сирдарё хавзаси босиб олинган вақтдан эътиборан ҳивалиқлар ва қўқонлиқлар билан доимий тўқнашувлар бўлиб турди.

Ҳивалиқлар ва қўқонлиқларнинг мулкларимизга бир неча ҳужумлари шу мулкларимизни мустаҳкамлаш учун отрядларимизнинг жануб томон ҳаракат қилишига олиб келди. 23 августда полковник Ерофеевнинг 2 та тўп-замбарак билан қурулланган 200 қазак ва аскарлари ҳивалиқларни тор-мор қилиб, Жон Хўжа қалъасини эгалладйғ «Николай» ва «Константин» қичик кемаларидан иборат Орол флотилияси ташқил этилди.

1848 йили Хиванинг Хўжа Ниёз қалъаси заёт этилиб, вайрон қилиб ташланди.

1849 йили харбий ҳаракатлар бўлмади.

1850 йил

Қопалск отрядининг (50 пйёда, 175 қазак, 2 та тўп-замбарак) Или дарёсининг нариги қирғоғига кечувини таъминлаш, истехком қуриш ва Қўқоннинг Товчибек қалъасини текшириб қичиш ҳаракати бошланди.

Маёр Энгман отряди (1 та рота, 1 юзлик, 2 та тўп-замбарак) Раиси истехкомидан қичиб, қўқонлиқлар, тўдасини тор-мор этди ва Қўшқўргон истехкомини олди.

1851 йил

Сибир қазак қўшини полковниги Қарабашев отряди (5 та рота, 5 та юзлик, от қўшилган 6 та тўп-замбарак, 1 та ракета қурилмаси) Или дарёсидан ўтиб, Қўқоннинг Тўйчибек қалъасини вайрон қилди.

Маёр Энгман отряди (75 Урол қазаклари; 22 отлик ўқчи, 1 тоғ замбарак) Оқча Булок яқинида Қўқон беги Ёқуббек қўшинини тор-мор қилди.

1852 йил

Аяжўз (Сергиопол) истехкомидан Хитой шаҳри "Чугучакка отряд (1 та юзлик) юборилди ва Гарбий Сибир сафарбар қўшини қазакларининг 2 та юзлиги жойлашуви учун жой белгиланди.

Полковник Бларамберг отряди (бир ярим рота, 2 та юзлик, 5 та замбарак) Қўқон хонлигининг Оқмачит қалъаси томон ҳаракат қилди.

Қумушқўргон, Қўшқўргон истехкомлари вайрон қилинди.

1853 йил

Сибир томонидан харбий ҳаракатлар бўлмади.

Граф Перовский отряди (тўрт ярим рота, 12 ярим юзлик ва 36 та замбарак ёрдамида)

хужум килиб, Кўконнинг Окмачит калъасини хужум билан олди.

Окмачитга «Перовский форти» деб ном берилди. 1-Орол форти, 2-Форт, «Перовский форти» ва 3-Форт (Кумушкўргон) истехкомларидан иборат Сирдарё йўналиши ташкил этилди.

Капитан Шкул 18 декабрда кўконликларнинг Перовский фортига хужумини кайтаришда тахсинга сазовор иш кўрсатди.

1854 йил

Алмати тоғ ёнбагирида Верний истехкоми курилди. Или сохилидаги водий эгалланди. Илиорти бўлими тузилди.

1855 йил

Тоглик ёввойи киргизларни кўконликлардан химоя қилиш учун Вернийдан Пишпек томонга 1 та юзлик ракета курилмаси билан куруллангириб юборилди.

ИМПЕРАТОР АЛЕКСАНДР ПОДШОЛИГИ ДАВРИ

1856 йил

Полковник Хорментовский отряди (1 та рота, 1 та юзлик, 1 та ракета курилмаси) томонидан кизаевликлар ва тоглик киргизлар тўпай уругининг катта ўрдаси бўйсундирилди.

Сирдарё йўналишининг бошлиги генерал-маёр Фон-Фитингоф отряди (320 пиёда, 300 казак, 3 та замбарак, 2 та ракета курилмаси) Хўжа Ниёз истехкомини эгаллади.

1857 йил

26 февралда генерал Фон-Фитингоф отряди (200 пиёда, 300 казак, 2 та замбарак) хиваликларни тор-мор қилди ва огмачилик қилган киргизларни жазолади.

1858 йил

Илиорти ўлкаси отряди бошлиги подполковник Перемилский бошлик отряд томонидан (1 та рота, 2 та юзлик, 2 отлик артиллерия) катта ўрда киргизлари бўйсундирилди ҳамда 5000 кишилик Тошкент ва Кўкон отрядлари Чу дарёси водийсига суриб ташланди.

1859 йил

Илиорти ўлкаси отрядининг бошлиги (икки ярим рота, 2 та юзлик, 1 та взвод отлик артиллерия, 4 та ракета курилмаси, 2 та замбарак) Чу водийсининг юқори қисмини, Кўконнинг Тўқмоқ ва Пишпек қалъаларини ўраб олди.

Полковник Дандевил Каспий денгизининг шарқий қирғоғини ўраб олди ва денгиздан Хивага борадиган йўлни; ўрганиб чиқди. Полковник Игнатов Хива ва Бухорога, Валихонов Кашгарга элчи қилиб юборилди. Бошқарув ички ишлар вазирлиги ихтиёрига берилди.

1860 йил

Полковник Симмерман отряди (6 та рота, 600 казак, 200 киргиз, 12 та огир замбарак, 4 та ракета курилмаси, 8 та мортир) кўконликларнинг 5 минг аскарлик тўдасини бизнинг чегараларга бостириб кирганида яксон килди. Тўкмок ва Пишпек калъалари харобага айлантирилди, Илиорти ўлкаси Олатов округи деб ўзгартирилди. 21 октябрда подполковник Колпаковский. отряди (13 та рота, 2 та юзлик, 3 та тўп-замбарак, 2 та ракета курилмаси) Коракузтоғ дарёси бўйидаги Узуноғочда кўконликларнинг 20 минг кишилик кўшинини бутунлай яксон килди.

1861 йил

Сибир казаклари кўшинининг ясовули Будаков от-ряди (20 казак, 24 отлик ўкчи, 2 та ракета курилмаси) томонидан тоғли киргизларнинг сарабиш уруги буйсундирилди ва Катта ўрдага бостириб кирган кўконликлар тор-мор этилди.

23 сентябрда генерал-лейтенант Дебу отряди (1000 нафар паст унвонликлар, 9 та тўп-замбарак, 3 та ракета курилмаси) Кўкон хонлигининг Янгикўргон калъасини вайрон килди.

1862 йил

Полковник Колпаковский отряди (4 та рота, 2 та юзлик, 4 та тўп-замбарак) 14 апрелдан 15 майгача Чуорти ўлкасини ўраб олди ва Кўкон хонлигининг Марки калъасини ишгол килди.

24 октябрда 8 та рота, 1 та юзлик, 8 та тўп-замбаракдан иборат отряд ёрдамида Кўкон хонлигининг Пишпек калъаси қайта босиб олинди.

1863 йил

Бош штаб капитани Протсенко отряди (2 та рота, 1 та юзлик, 2 та тоғ замбараги) Олтин Амал довонини эгаллаш учун юборилди.

7 июнда хитойликлар билан отишма бўлди ва Бархудзир олинди.

18 июнда хитойликлар Кушбурунда мағлубиятга учрадилар.

22 июнда Икечайтда хитойликлар билан жанг бўлиб ўтди.

1864 йил

Полковник Черняев отряди (8-Гарбий Сибир баталонининг 5 та ротаси, Гарбий Сибир баталонининг 4 та ротаси, Сибир казаклар артиллериясининг 1 та взводи, пиёда тоғ батареясининг 1 взводи ва 1 та 1-Сибир казаклар полки) 4 июнда Кўконнинг Авлиёота калъасини хужум билан олди.

18 июндан 1 июлгача полковник Лерхенинг учар отряди (2 та рота, ярим юзлик, 2 та тоғ замбараги, 1 та ракета курилмаси) Корабура қорли довонидан ошиб Чирчик водийсига ўтди. Кўконликларнинг таркок кўшини кириб ташланди ва қоракиргизлар бўйсундирилди.

4 июлда Кўкон хонлигининг Чиноч калъаси эгалланди. 7-10 июл оралигида отрядлар Авлиёотадан Ёйкечуз сари силжиди.

11 июлда шиддатли хужум билан Манкент эгалланди.

13-15 июл кунлари Киштирма томон жанглари билан юриш давом эттирилди.

16 июлда полковник Лерхенинг учар отряди 3 та рота, 1 та ўкчи отлик рота, 2 та отлик тўп-замбарак) кўконликларга қарши жанг килди ва Сибир отрядини Оренбург отрядлари билан бирлаштириш учун Окбулокка юборилди.

12 июнда полковник Веревкин отряди (тўрт ярим рота, 2 та юзлик, 10 та тўп-замбарак, 6 та мортир, 2 та ракета курилмаси) Туркистон шахрини олди.

10-14 июл кунлари капитан Меер отряди (2 та рота, 1 та юзлик, 3 та тўп-замбарак, 1 та ракета курилмаси) Чимкентга караб юрди.

14-15 июлда Окбулоқда 10 минг кўконлик билан жанг бўлиб ўтди.

16 июл. Сибир ва Оренбург отряди кўшилди.

17 июл. Бирлашган отрядлар полковник Лерхе бошчилигида жанг билан генерал Черняевнинг Кўшдўрмондаги асосий отряди томон юриш бошлади. Сибир ва Оренбург отрядлари кўшилганидан кейин эгалланган йўлга «Янги илгор Кўкон йўналиши» деб ном берилди.

БИРЛАШГАН ОТРЯДЛАР ХАРАКАТИ

22 июл. Чимкент калъаси ўраб олинди ва 25 минг аскарлик Кўкон тўдаси билан жанг бўлиб ўтди.

14 сентябр. Чимкент калъасига иккинчи юриш: Туркистондан генерал Черняев отряди (4-Оренбург сафарбар баталонининг 3 та ротаси, 2-Оренбург сафарбар-баталонининг 1-взводи, 2 та пиёда тўп-замбаракчи, Урол ва Оренбург казакларининг бир ярим юзлиги).

Авлиётадан полковник Лерхе отряди (3-Гарбий Сибир баталонининг 2 та ротаси, йигма ўкчи баталонининг 4 та ротаси, Сибир казаклар артиллериясининг 1 та взводи, пиёда тоғ артиллериясининг 1 та взводи ва отлик ўкчиларнинг 1 та ротаси).

19 сентябр. Отрядлар кўшилди. Кўконликлар билан тўқнашув Сайрамнинг олиниши билан якунланди.

22 сентябр. Чимкент калъаси хужум билан олинди.

ЯНГИ КЎКОН ЙЎНАЛИШИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

4, 5 ва 6 декабр. Икон остонасида кўконликларнинг 10 минглик тўдаси билан юзбоши Серов отрядининг жанги.

1865 йил

29 апрел. Генерал Черняев отряди (8-Гарбий Сибир баталонининг 2 та ротаси, йигма ўкчи баталонининг 4 та ротаси, Гарбий Сибир баталонининг 1 ротаси, 4-Оренбург баталонининг 2 та ротаси, 2 та Оренбург сафарбар баталони, Сибир пиёда ва отлик артиллериясининг дивизионлари, Сирдарё харакатчан артиллерияси, Урол казакларининг бир ярим юзлиги ва ракетачилар командаси) Кўкон хонлигининг Ниёзбек калъасини олди.

9 май. Саритепада Алимкулихон бошлик кўконликлар билан жанг бўлиб ўтди,

18 май. Кўконнинг Чиноз калъаси эгалланди.

15-17 июн. Тошкент шахри хужум билан забт этилди.

ОЛИЙ ФАРМОН БИЛАН ТУРКИСТОН ВИЛОЯТИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

12-15 сентябр. Полковник Пистолкорс отряди (йигма ўкчи баталонининг 4 та ротаси, 6-Оренбург баталонининг ўкчи ротаси, Сибир казаклар артиллерияси дивизиони ва казакларнинг 1 та юзлиги) томонидан Чирчикорти ўлкаси ва Келувчи калъаси олинди.

1866 йил

Тошкентнинг ишгол: килиниши окибатада бухороликлар билан тўқнашув бўлди.

Бухороликлар Хўжандни босиб олишди. Улар Тошкентга даъвогарлик килишди. Рус элчилари Бухорога юборилди. Улар ушландилар. Черняев отрядининг Бухоро мулкларига кишки экспедитсиясида Оренбург ўкчи баталонидан 4 та рота, 6-баталондан 2 та рота, 7-баталондан 2 та рота, 3-Оренбург батальонидан 4 та рота, ўроллик казакларнинг 3 та юзлиги, Оренбург казакларининг 2 та юзлиги, 1-батарея, енгил батареянинг 1-взводи, отлик тоғ артиллериясининг 1 та взводи, Оренбург саперлар ротаси ва 147-Самара полкининг ўкчилар ротаси катнашди.

12 январ. Сирдарё кечиб ўтилди.

12-19 январ. Жиззах шахрига караб юриш давом эттирилди.

Чиноз калъаси курилди. Генерал Черняев жўнаб кетди. Отряд кўмондонлигини генерал Романовский қабул килди.

8 май. Генерал Романовскийнинг Ержар томон юриши, Бухоро кўшинининг мағлубияти ва истехкомли ўрданинг кўлга киритилиши.

24 май. Хўжанд хужум билан олинди.

2 октябр. Ўратепа истехкоми хужум билан олинди.

18 октябр. Жиззах калъаси хужум билан олинди.

1867 йил

27 май. Полковник Абрамов отряди (Оренбург ўкчи баталонининг 2 та ротаси, Оренбург казаклар батареясининг 1 та взводи, Оренбург казакларининг 2 та юзлиги ва 4 та ракета курилмаси) томонидан Янгикўргон истехкоми олинди.

14 июл. Олий фармон билан Туркистон харбий округи таъсис этилди.

1868 йил

Туркистон харбий округи кўшинлари кўмондони генерал-адъютант Фон Кауфман отрядининг (3-Туркистон сафарбар баталонининг 3 та ротаси, 4-баталоннинг 3 та ротаси, 5-баталоннинг 4 та ротаси, 6-баталоннинг 4 та ротаси, 9-баталоннинг 4 та ротаси, сапёрлариинг бир ярим ротаси, 10 та замбарак ва казакларнинг 5 та юзлиги) ҳаракати бошланди.

1 май. Самарканд (Чўпонота) тепалигидаги жанг унинг забт этилиши билан якунланди.

2 май. Самарканд шаҳри эгалланди.

18 май. Каттакўргон шаҳри олинди.

2 июн. Маёр Штемпел отряди Самарканд кўргонини кахрамонларча химоя килди.

8 июн. Рус отряди Самаркандга етиб келди. Исёнчилар жазоланди.

28 июн. Зарафшон округи ташкил этилди. Амир таслим бўлди. Сулх тузилди. Отряд Тошкентга кайтди. Амирнинг ўгли Катта Тўра отасидан газабга келди. Рус кўшинлари мададкор бўлдилар. Генерал Абрамов отряди (6 та рота, 8 та тўп-замбарак, 2 та юзлик ва ракета батареяси) Каршини олиб, Бухоро амирига кайтарди. Бухоро билан чегара белгиланди.

1869 йил

Гарбий Хитойда дунганлар исён кўтарди. Хитойликлар ёрдам бериш тўғрисида илтижо килдилар. Калмок Хутуктойи Чоган Кеченогон томонидан чегараларимиз бузилди.

Чегаралардаги киргизларимиз орасида тартибсизликлар ва галаёнлар содир бўлди.

Барамта киргизлар кўлига ўтди. Генерал-маёр Колпаковский отрядининг (3 та рота, 3 та юзлик, 4 та тўп-замбарак) Гарбий Хитой худудидаги карши хужуми ва ҳаракати.

7 август. Казийликлар билан таранчийлар маглубиятга учрадилар ва Сайрамнор кўли бўйидаги Коптагай эгалланди.

16 октябр. Бароҳудзир остонасида жанг бўлди. Мозор ва Хоргос истехкомлари эгалланди. Каспий бўйларидаги ҳаракат: Красноводск кўрфазининг генерал Столетов отряди (5 та рота, бир ярим юзлик, 6 та тўп-замбарак) томонидан эгалланиши; Михайловский ва Муллақора истехкомлари бунёд этилди.

1870 йил

Генерал-маёр Абрамов отрядининг (6 та рота, 2 та юзлик отлик батарея ва ракета дивизиони) Зарафшон дарёсининг юқори оқимида экспедитсияси амалга оширилди.

25 июн. Генерал Абрамовнинг Искандаркўл томон ва подполковник Деннатнинг Матчо дарёсининг юқори «кисми томон ҳаракати давом эттирилди.

Кўли калон яқинидаги Кўштут давонида шахрисабзликлар билан жанг бўлиб ўтди.

12 август. Шахрисабз камал килинди ва забт этилди.

14 август. Китоб калъаси хужум билан олинди.

Мугиён, Фороб бекликлари эгалланиб, Зарафшон округига кўшилди. Шахрисабз ва Китоб бекликлари Бухоро амирлигига берилди.

Каспий бўйидаги ҳаракатлар: Октепа ва Уйил истехкомлари қурилди. Мангишлок приставлиги Кавказ нойиблиги билан бирлаштирилди.

15-20 октябр. Такаликлар Михайловск истехкомига ташриф буюришди.

30 ноябр. Генерал-маёр Столетов отрядининг (3 та рота, 2 та юзлик, 3 та тўп-замбарак) Кизиларватга юриши давом этди.

Штаб ротмистри Скобелев томонидан Ташарват калъасидан Сарикамишгача, яъни Хива чегараларигача текширув ўтказилди.

1871 йил

Гарбий Хитойда генерал Колпаковский отрядининг (10 та рота, бир ярим батарея, 6 та юзлик) таранчиликларга карши ҳаракатлари давом этди.

7 май. Мозор шаҳри ва калъаси жанг билан олинди.

18 июн. Чин-Чаходзи остонасида таранчиликлар маглубиятга учради ва шу калъага

хужум килинди.

19 июн. Суйдун калъаси эгалланди. 22 июн. Гулжа шахри олинди.

1873 йил

Хива хонлигининг Сирдарё чап киргогига даъвогарлиги.

Оренбург бошкармасидаги киргизлар орасидаги тартибсизликлар. Хон баённомаси, Рус почта стантсияларига хужумлар. Хива масаласини тугатиш зарурлиги. Туркистон, Оренбург ва Мангишлок оркали баравар ҳаракат килишга қарор килинди. Отрядларнинг Хивага умумий юриши:

- 1) Туркистондан генерал Кауфман отряди (22 рота, 18 та тўп-замбарак, 18 та юзлик).
- 2) Оренбургдан генерал Веревкин отряди (15 та ро-та, 8 та тўп-замбарак, 6 та юзлик).
- 3) Мангишлокдан полковник Ломакин отряди (12 та рота, 8 та тўп-замбарак, 8 та юзлик).
- 4) Орол флотилияси: «Самарканд», «Перовский» кемалари ва баржа.

Умумий раҳбарлик генерал-адъютант Фон Кауфманга топширилди.

10, 11 май. Тунда отишмалар бўлди ва Уч ўчоқ яқинидаги хиваликлар тўдаси тор-мор келтирилди.

18 май. «Туркистонликлар» Амударёдан кечиб ўтишди.

23 май. Хазорасп калъаси хужум билан олинди.

29 май. Хонлик пойтахти Хива эгалланди. Генерал-Головачев отряди, ёвмутларга ва туркманларга қарши ҳаракатини давом эттирди.

13 июн. Чандир кишлоги ёнида ёвмутлар мағлубиятга учратилди.

15 июн. Кукчук харобалари яқинида туркманлар мағлуб килинди.

Хива билан сулҳ тузилди. Петро-Александровск истехкомини қуриш ишлари давом эттирилди.

ТУРКИСТОН ГЕНЕРАЛ-ГУБЕРНАТОРИНИНГ АМУДАРЁ БЎЛИМИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

1875 йил

Кўкон хонлигида ички тартибсизлик бўлиб турди, Худоёрхон Хўжандга қочди.

Кўконликларнинг хужумлари. Кўконлик галалар 9 августда Хўжандга хужум қилдилар.

Генерал-адъютант Фон Кауфман отрядининг (16 та рота, 20 та тўп-замбарак, 8 та ракета қурилмаси) Кўкон хонлигига қарши юриши бошланди.

22 август, Кўконликлар Маҳрам истехкоми яқинида мағлубиятга учрадилар.

29 август. Кўкон шахри эгалланди.

8 сентябр. Маргилон шахри эгалланди

Генерал Скобелев учқур отряди (6, та юзлик 2 та рота араваларда, 4 та отлик, тўпчи ва ракетачи батарея) билан Мингбулок ва Оъш атрофида изланишлар амалга оширди.

Андижон вакиллари тобеликларина изҳор қилдилар.

30 сентябр. Андижонда галаён қўтарилди, Генерал Тротский отрядининг (5 та рота, 86 та сапёр, уч ярим юзлик, 8 та тўп-замбарак, 4 та ракета қурилмаси) Андижон ҳарбий ҳаракати бошланди.

1 октябр. Андижон хужум билан олинди.

17 октябр. Наманган бўлими (хонликларнинг Норин дарёси ўнг қирғоғидаги шимолий қисми) Россияга қўшилди. Генерал Скобелев бошлиқ қилиб тайинланди. Қўқон хонлигида аввалги ҳокимиятни тиклашга уриниш ва тартибсизликлар содир бўлди. Насриддинхон Хўжандга қочди. Қўқонликлар Қурама уездига хужумлар уюштирдилар.

24 октябр. Генерал Скобелев (3 та рота, бир ярим юзлик, 4 та тўп-замбарак)

Намангандан Қўст шаҳрига юриш қилди. Наманганда қўзғолон бўлди.

27 октябр. Скобелев орқага қайтди. Наманган шаҳри бомбардимон қилиниб, ишғол этилди.

11 ноябр. Генерал Скобелевнинг (4 та рота, тўрт ярим юзлик, 6 та тўп-замбарак, 4 та ракета қурилмаси) Норин дарёсининг чап қирғоғи томон ҳаракати бошланди. Балиқчи яқинидаги ишлар; Валихон Тўра бошлиқ қипчоқлар тор-мор қелтирилди.

29 ноябр ва 2 декабр. Генерал Скобелев отряди (1 та рота, бир ярим отлик рота, уч ярим юзлик, 2 та тўп, 2 та ракета қурилмаси) Норин дарёсининг чап қирғоғидаги изланишни муваффақиятли амалга оширди.

1876 йил

Қўқонликларга қарши ҳарбий ҳаракат давом эттирилди. Генерал Скобелев отряди (2880 киши) Андижонга томон юриш бошлади.

8 январ. Андижон хужум билан қайта олинди.

ПАРТИЗАНЛАР УРУШИ

18 январ. Асака яқинидаги тўқнашув. Генерал-майор Скобелев отряди (2 та рота, 1 та юзлик, 4 та тўп-замбарак, 6 та ракета қурилмаси) Абдурахмон Офтобачи бошлиқ қўқонликлар тўдасини мағлубиятга учратди.

27 январ. Учқўргон яқинидаги жанг: ротмистр Меллер-Закомелский отряди (икки ярим рота, олти ярим юзлик, 5 та тўп замбарак, 6 та ракета қурилмаси) Пўлатхон тўдасини тор-мор қилди.

28 феврал. Генерал Скобелев отряди (1 та рота, етти ярим юзлик, 10 та тўп-замбарак, 2 та ракета қурилмаси) Қўқонни ишғол қилди.

19 феврал. Қўқон хонлиги Фарғона вилояти номи билан Россияга қўшиб олинди.

Полковник Аминов отрядининг (1 та юзлик, 1 та ракета батареяси), генерал Скобелев отрядининг (3 та рота, 1 та юзлик) Оъш ва Гулчиға юриши, Олойға юриши. Янгиарик ёнида жанглар бўлиб ўтди. Қора қирғизлар мағлубиятга учратилди. Чегара ҳақида қелишиб олиш учун генерал Куропаткин Қашғарға элчи қилиб юборилди.

1878 йил

Генерал Столетовнинг Афғонистонга элчилиги. Англияга қарши юриш учун тайёргарлик бошланди. Жом яқинидаги ўрда.

1879 йил

Генерал Ломакиннинг (ўн олти ярим батарея, 20 та юзлик ва эскадрон, 20 та тўп-замбарак, 12 та ракета курилмаси) Ахалтака воҳасига экспедитсияси бошланди. 28 август. Динглитепага хужум муваффақиятсиз тугади ва чекинишга тўғри келди.

1880 йил

Гулжа туманида Хитой билан урушга тайёргарлик кўрилди.

Туркманларга қарши юришга ҳозирлик кучайтирилди.

26 ноябр. Генерал Скобелев отряди Бомидан чиқди.

30 ноябр. Тўғонботир қалъаси (Самур истехкоми) олинди.

15 декабр. Самур истехкомига, полковник Куропаткин бошлик Туркистон отряди (510 пйёда, 318 казак, 2 та тоғ тўпи, 2 та ракета курилмаси) етиб келди. Генерал Скобелевнинг отряди ҳаммаси бўлиб 45 та рота, 11 та эскадрон, 74 та тўп, 11 та ракета курилмасидан иборат бўлиб, руслар 8000 га яқин, такаликлар эса 40 мингдан ортиқ кўшинга эга эди.

1881 йил

12 январ. Кўктепа (Динглитепа) хужум билаи олинди.

28 январ. Ашгабад ўн беш ярим рота, 6 та эскадрон ва юзлик, 12 та тўп-замбарак ва ракета курилмаси бўлган отряд томонидан жангсиз эгалланди.

12 феврал. Петербург шартномасига кўра, Гулжа тумани Хитойга қайтарилди, Или ўлкасининг гарбий қисми бунга кирмади.

ИМПЕРАТОР АЛЕКСАНДР III ХУКМРОНЛИГИ ДАВРИ

1882 йил

6 май. Каспиёрти вилояти ташкил этилди.

1884 йил

31 январ. Марв воҳаси туркманлари фуқароликка қабул қилинди. Марв Россияга қўшиб олинди. Оқругга полковник Валихонов бошлик қилиб тайинланди.

1885 йил

Кушка қарёси бўйида афгонлар билан чегара масаласида можаро бўлиб ўтди.

18 март. Генерал-маёр Комаров отряди (8 та рота, 4 та юзлик, 4 та тўп) Тошкўприқда инглизлар раҳбарлик қилган афгонларни мағлубиятга учратди.

Кушка эгалланиб, Россияга қўшиб олинди.

1892 йил

Полковник Ионов ўз отряди (1 та батарея, 3 та юзлик, 4 та тўп-замбарак) билан Помирни ишғол қилди.

1894 йил

Афгонлар билан чегара можароси бўлиб ўтди.

ИМПЕРАТОР НИКОЛАЙ II ХУКМРОНЛИГИ ДАВРИ

1895 йил

Англия вакиллари иштирокидаги махсус аралаш хайъат (комиссия) Россия билан Афғонистоннинг Помирдаги чегараларини белгилаб берди.

Рус тилидан Ш. Холмурод таржима қилган.